

**“Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамияти
ягона якциядори 4-сон
ҶАРОРИ**

2022 йил 25 март

Тошкент шаҳри

Ушбу қарор “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сонли Фармонига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги ПҚ-5083-сон қарорига асосан “Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамияти ягона якциядори томонидан қўйидаги масалалар юзасидан қабул қилинди:

1. “Ўзбек геология қидирув” АЖ устав капиталини белгилаш тўғрисида.
2. “Ўзбек геология қидирув” АЖнинг Устави янги таҳрирда тасдиқлаш тўғрисида.
3. “Ўзбек геология қидирув” АЖ ягона акциядорининг 2021 йил 18 октябрдаги бирламчи акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорини қайта кўриб чиқиш тўғрисида.
4. “Ўзбек геология қидирув” АЖнинг бирламчи акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш тўғрисида.

ЖАМИЯТ ЯГОНА ЯКЦИЯДОРИ ҶАРОРИ:

1. “Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамиятини қўшиб юбориш йўли билан қайта ташкил этиш тўғрисидаги 2021 йил 28 июндаги шартноманинг 2-иловасига ва унинг изоҳига асосан “Ўзбек геология қидирув” АЖ нинг устав капитали 1 477 сўм 74 тийин чиқарилмаган акциялар қолдиқ қийматини инобатга олган ҳолда 801 287 351 200 (саккиз юз бир миллиард икки юз саксон етти миллион уч юз эллик бир минг икки юз) сўм миқдорида шакллантирилган.

Бироқ ушбу 1 477 сўм 74 тийин қолдиқ миқдорига акциялар чиқарилмаган бўлиб, қайта ташкил этиш жараёнида конвертация қилинмаслигини ҳисобга олиб, бирламчи акциялар чиқарилишида инобатга олинмайди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, “Ўзбек геология қидирув” АЖ устав капитали 801 287 349 800 (саккиз юз бир миллиард икки юз саксон етти

миллион уч юз қирқ тўққиз минг саккиз юз) сўм деб белгилансин ва 1 477 сўм 74 тийин миқдоридаги фарқ “Ўзбек геология қидирув” АЖнинг кейинги акциялар чиқарилувида давлат улушини шакллантиришда ҳисобга олинсин.

2. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, “Ўзбек геология қидирув” АЖ Уставига тегишли ўзгартиришлар киритилиб, янги таҳрирда 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

3. “Ўзбек геология қидирув” АЖ ягона акциядорининг 2021 йил 18 октябрдаги қарори 1-банди билан қабул қилинган бирламчи акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарори бекор қилинсан.

3.1. “Ўзбек геология қидирув” АЖнинг устав капиталини шакллантириш учун умумий қиймати 801 287 349 800 (саккиз юз бир миллиард икки юз саксон етти миллион уч юз қирқ тўққиз минг саккиз юз) сўмлик номинал қиймати 100 сўмдан бўлган 8 012 873 498 (саккиз миллиард ўн икки миллион саккиз юз етмиш уч минг тўрт юз тўқсон саккиз) дона оддий акциялар чиқарилсан.

Ушбу акциялар ёпиқ обуна орқали “Қизилқумгеология” АЖ, “Самарқандгеология” АЖ, “Сурхонгеология” АЖ, “Ҳисоргеология” АЖ, “Тошкентгеология” АЖ, “Марказий лаборатория” АЖ ва “Геобуртехника” АЖларнинг акцияларини “Ўзбек геология қидирув” АЖ акцияларига айирбошлаш йўли билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига жойлаштирилсан.

Акцияларни айирбошлаш “Ўзбек геология қидирув” АЖнинг бирламчи акциялар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 15 кун ичida қўшиб юбориш шартномасига асосан уюшмаган қимматли қофозлар бозорида ҳеч қандай битимларсиз амалга оширилсан.

Акцияларни жойлаштириш номинал қийматда (100 сўм) амалга оширилсан.

Акциялар учун тўлов “Қизилқумгеология” АЖ, “Самарқандгеология” АЖ, “Сурхонгеология” АЖ, “Ҳисоргеология” АЖ, “Тошкентгеология” АЖ, “Марказий лаборатория” АЖ ва “Геобуртехника” АЖларнинг барча активларини қабул қилиш-топшириш далолатномаси асосида ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда, тўлов воситалари акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган кундан бошлаб 10 кун ичida қайтарилсан.

4. “Ўзбек геология қидирув” АЖнинг бирламчи акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

5. “Ўзбек геология қидирув” АЖнинг бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчи Х.У.Исмаиловга “Ўзбек геология қидирув” акциядорлик

жамиятининг бирламчи акциялар чиқарилишини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда “Қизилқумгеология” АЖ, “Самарқандгеология” АЖ, “Сурхонгеология” АЖ, “Ҳисоргеология” АЖ, “Тошкентгеология” АЖ, “Марказий лаборатория” АЖ ва “Геобуртехника” АЖлари акциялар чиқарилишларини бекор қилинишини таъминлаш юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирининг биринчи
ўринбосари



О. Насритдинходжаев